

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТНИ ЯХШИЛАШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Самиддин Ташназаров – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси мудири, и.ф.д., профессор

Аннотация: Ушбу мақолада Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг (МҲХС) жорий этилиши инвестициявий муҳитни яхшилашнинг энг муҳим омили эканлиги эътироф этилган. МҲХСларининг жорий этилиши борасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улардан келиб чқадиган вазифалар белгиланган.

Калитли сўзлар: Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, стратегия, инвестициявий муҳит, инвестиция, молиявий бухгалтерия ҳисоби

IMPLEMENTATION OF INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS IS THE MOST IMPORTANT FACTOR IN IMPROVING THE INVESTMENT ENVIRONMENT

Samiddin Tashnazarov - head of the "Accounting" department of the Samarkand Institute of Economics and Service, PhD, professor

Abstract: This article recognizes that the introduction of International Financial Reporting Standards (IFRS) is the most important factor in improving the investment environment. The adopted normative legal documents and the tasks arising from them are defined regarding the introduction of IFRS.

Keywords: international financial reporting standards, strategy, investment environment, investment, financial accounting

Бугунги кунда янги Ўзбекистон иқтисодиётида долзарб масалалардан бири бу хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўлиб ҳисобланади. 2024 йил 2 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумидаги нутқида “Сўнгги йилларда иқтисодиётимиз қарийб икки баробар ўсди. Ўтган йил якуни бўйича бу ўсиш 6 фоизни ташкил қилди. Инфляция 9 фоизгача пасайди. Савдо айланмаси кўрсаткичлари муттасил ошмоқда. Валюта бозори ва олтин-валюта захиралари барқарорлиги сақлаб қолинмоқда. Охириги йилларда мамлакатимизда 60 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Халқаро молия институтларининг 14 миллиард доллардан ортиқ маблағлари ижтимоий ва инфратузилма соҳаларига жалб қилинди”¹ деб қайд этилди.

¹ <https://sputniknews.uz/20240502/toshkent-xalqaro-investitsiya-forum-43693951.html>

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида “Мамлакатимизда 250 миллиард долларлик инвестицияларни ўзлаштириш, жумладан 110 миллиард доллар хорижий инвестициялар ва 30 миллиард доллар давлат-хусусий шериклик доирасидаги инвестицияларни жалб қилиш; эркин муомаладаги қимматли қоғозлар савдолари ҳажмини 8 миллиард долларга етказиш; ҳудудларнинг инвестицион рейтингини юритиш, ҳар бир ҳудуднинг имкониятларидан келиб чиқиб, унинг инвесторлар учун жозибадорлигини янада ошириш; экспорт ҳажмини 2 баробар ошириш ва 45 миллиард долларга етказиш, экспортчи корхоналар сонини 6,5 мингтадан 15 мингтага етказиш; экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳажмини 3,3 баробар кўпайтириш, Европа давлатларига GSP + ва бошқа тизимлари доирасида тайёр ва технологик маҳсулотлар экспортини кенгайтириш; халқаро стандартлар жорий қилинган корхоналар сонини 10 баробарга ошириш ва улар сонини 5 мингтага етказиш”² вазифалари юклатилган.

Хорижий инвестицияларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига кириб келиши учун инвестициявий муҳим юза келиши керак. Бугунги кунда айнан Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)нинг жорий этилиши хорижий инвестициялар учун инвестициявий муҳитни яхшилашнинг энг муҳим омили ҳисобланади. Чунки, инвестор унга тушунарли бўлган ва халқаро меъёрлар асосида тайёрланган ахборотларни талаб этади. Миллий ҳисоб тизими асосида тайёрланган ахборотлар унинг эҳтиёжларига мос келмайди. Бунга фақат МҲХСлар орқали эришиш мумкин.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг (МҲХС) жорий қилиниши молиявий ҳисоботлардаги ахборотларнинг ишончилиги ва объективлигини ошириш билан бир қаторда хорижий инвестицияларни мамлакатимиз иқтисодиётига киритишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизга хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун жуда катта имконият яратилди. Қонуний муҳит юзага келди. 2019 йил 26 декабрда “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Қонунда ошқоралик ва очиқлик, инвестиция фаолиятини амалга ошириш эркинлиги янада кенгайтирилди, уларнинг кафолатлари мустаҳкамланди.

МҲХСларни тўлиқ тизимли жорий қилинишини ҳамда бу борада кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611 “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори қарори ҳам айнан ушбу мақсадларга қаратилган.

Ушбу Қарорнинг мақсади МҲХСларга ўтиш орқали:

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси //Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 23 декабрь. №228. 3-бет.

мамлакатимизда хорижий инвестицияларнинг кириб келиши учун инвестицион муҳитни яхшилаш, компанияларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш; хорижий инвесторларни зарур ахборотлар билан таъминлаш, ҳисоботларнинг мазмуни ва таркибини ахборот фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига уйғунлаштириш;

корпоратив бошқарув тамойилларини жорий қилишни таъминлаш; Ўзбекистон компаниялари ва банкларининг халқаро фонд ва молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш;

акциядорлик жамиятлари, холдинг компаниялар ва бошқа корхоналарнинг экспорт операциялари ҳажмини юксалтириш;

компанияларнинг рақобатбардошлигини ошириш; бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳалари мутахассисларини тайёрлаш тизимини халқаро стандартлар даражасига кўтариш;

бакалавриат таълими йўналишлари ва магистратура мутахассислигидаги «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича МҲХСни чуқур ўрганишни назарда тутувчи янгиланган ўқув дастурларини тасдиқлаш ва белгиланган тартибда таълим жараёнига жорий этиш.

Мазкур Қарорда акциядорлик жамиятлари, тижорат банкларида, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчи ҳисобланган корхоналарда бухгалтерия ҳисобини тўлиқ халқаро стандартларга ўтказиш вазифаси кўйилди.

Ушбу кўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (МҲХС) ва илғор хорижий тажрибаларни, соҳага доир жаҳон адабиётлари ва ҳужжатларини ўрганишимиз, тадқиқотлар олиб боришимиз керак. Жумладан, ушбу тадқиқотлар асосида мамлакатимиз иқтисодиётининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда халқаро стандартларни жорий қилишнинг методологиясини ишлаб чиқиш, ташкилий – иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга эришишимиз керак.

Ўзбекистон инновацион иқтисодиётга ва рақамли иқтисодиётга босқичма-босқич ўтмоқда. Рақамли иқтисодиёт ягона ахборот базасига таянади, қайсики ушбу ахборотларнинг салмоқли қисми бухгалтерия ҳисобида шаклланади. Бошқарув тизимларининг ягона базада электрон интеграциялашуви рақамли иқтисодиётнинг асосий белгисидир. Бухгалтерия ҳисобининг ахборот базасининг шаклланиши МҲХСларига таянади. Шу боис, рақамли иқтисодиёт мамлакатимизда МҲХСга ўтишни зарурият қилиб кўйди. Шу боис, тўлиқ асосда айтиш мумкинки, МҲХСларига ўтиш рақамли иқтисодиётнинг муҳим ва ажралмас қисмидир.

МҲХСларига ўтиш иқтисодиётимизнинг асосий тўсиғи бўлиб келаётган коррупцияга қарши курашишнинг энг самарали воситасидир.

Бухгалтерия ҳисобининг бошқа тараққий эттириш омиллари ҳам амал қилади. Буларга илғор хориж тажрибаларини ўрганиш ва жорий этиш, таннарх бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш, молиявий ҳисоб ва солиқ

ҳисобини мувофиқлаштириш, бухгалтерия ҳисобининг бошқарув тизимидаги ролини ошириш каби масалаларни киритиш мумкин.

Аудит фани ва тизимида, иқтисодий таҳлил фанида ҳам айнан ушбу масалалар долзарб ҳисобланади. Аудит молиявий ҳисоботни МҲҲСлар асосида аудит қилса, аудитни ўтказиш тартиби ва процедурасини аудит фаолиятининг халқаро стандартларига (АФҲС) мувофиқ амалга ошиши керак. Иқтисодий таҳлил бухгалтерия ҳисобида кейинги бўлаётган ўзгаришларга айнан монант бўлиши керак.

Замон талаблари асосида бугунги кунда бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит фанларига оид бўлган кафедраларда катта натижалар кўлга киритилди. Докторлик диссертациялари ҳимоя қилинмоқда.

Ушбу талабларга мос дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этирилмоқда. Халқаро стандартлар талабларига мувофиқ равишда кафедрамиз профессор ўқитувчилари томонидан **“Молиявий бухгалтерия ҳисоби 1”** ва **“Бошқарув бухгалтерия ҳисоби”** фанларидан дарсликлар, **“Бизнесда бухгалтер”** фанидан ўқув қўлланма яратилди.

Скопус, веб оф сайнс эътирофидаги журналларда, халқаро ва республика журналларида кўплаб мақолалар чоп этиришга эришилди. Хўжалик шартномалари ва грантлар асосида илмий тадқиқот ишлари бажарилмоқда.

Институтигимизда бухгалтерия ҳисоби, аудит ва иқтисодий таҳлил бўйича тан олинган илмий мактаб юзага келган. Ушбу мактаб бугунги кунда ўзининг самараси бераяпти.

Хулоса қиладиган бўлсак мазкур конференция материаллари МҲҲСлар мувофиқ ҳисоб сиёсатини шакллантиришда, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://sputniknews.uz/20240502/toshkent-xalqaro-investitsiya-forum-43693951.html>

2. “Ўзбекистон -2030” стратегияси <https://lex.uz/ru/docs/6600413>

3. С.Н.Ташназаров. Молиявий бухгалтерия ҳисоби 1. Дарслик. – Самарқанд.: “STEP-SEL” МЧЖ нашриёти, 2023. 580-бет.